



ХУШ КЕЛИБСИЗ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗГА, ҚАРДОШЛАР! ДОБРО ПОЖАЛОВАТЬ В НАШ УЗБЕКИСТАН, БРАТЬЯ!



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 238 (16.624).

10 октябрь 1976 йил, якшанба

Баҳоси 2 тийин.

АССАЛОМ, РОССИЯ!

РОССИЯ, РОССИЯ, менинг Ватаним!
Ҳа, шoir куйлаганидек, Россия — бу буюк бир оиланинг катта бир бешиги. У — буюк Ленинга она-Ватан! У мустабид тузумга барҳам бериб, халқларга озодлик, тенглик, биродарлик, ҳамжиҳатлик ва дўстлик олиб келишга қодир эканлигини амалда исботлаган буюк куч — Революцияни воқия етказди. Россия ўтмишда қарамлик исқанжаларида эзilib келган маълумлар бошини силган шундай бир улук ўлики, бугун уни мамлакатимиздаги миннатдор миллатлар ва халқлар ўз она-Ватани деб биладилар.

Она-Ватан! Дарҳақиқат, Россия — миннатдорчилар ва олийчиларга сазовор ўлка! Россия деганимизда тасавуриமிழда олтин бошқорларини сеп қилиб, кўзни яшнатиб турган бепоён бугдозорлар, ҳадис-ҳисобсиз ўрмонлару бойликлари тўла тоғлар, сериорлар шаҳарлар намоен бўлади. Биз Россия деганимизда доруғи оламга кетган фан намояндаларини, маданият, адабиёт ва санъат арбобларининг катта бир авлодини тушунамиз. У жаҳонга Пушкин ва Толстойни, Чернышевский ва Горькийни, Чайковский ва Станиславскийни берган ўлка.

Эртага Ўзбеклар дийрида ана шу инсонларвар, меҳрибон ва паҳлавон юрт адабиёти ва санъатининг улкан байрами бошлангити. Дарвоқе, Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси халқлари адабиёти ва санъатининг сериуш Ўзбекистонда бошлангити кунлари фанат бизнинг республикамиз ҳаётидагина эмас, балки бутун Иттифоқимиз миёсидаги жуда катта ижтимоий-сиёсий воқеалардан бири бўлади. Қардош ва жондош элнинг бадиий сўз усталари — шoir ва ёзувчилари, драматурглари ва санъаткорларининг «оқ олтин» ўлиқасида бўлиш Ўзбек халқининг маданий ва маънавий ҳаётини ҳар галидек янада бойитишга, унда чуқур ва ўчмас излар қолдиришга аминимиз.

РСФСР адабиёти ва санъатининг республикамизда бошлангити кунлари буюк дохилимиз Владимир Ильич Лениннинг василатларини изчилик билан амалга ошириш — коммунист-тин жамият куришдан иборат муқаддас йўлда ягона сафард, елкама-елка туриб фидокорлик кураштаётган совет халқлари қардошлигининг яна бир ёркин намойишидир. Бу, КПСС XXV съездида алоҳида таъкидланганидек, адабиётларимизни, санъатининг ҳаётий билимлар билан бойитишдан иборат жонли жараён давом этаётганини, кўп миллатли мамлакатимиздаги барча халқлар маданият ҳазиналаридан тобора кўпроқ баҳраманд бўлаётганини кўрсатади.

Ўзбекистон меҳнатқашлари ҳар соҳада буюк Россиянинг, ўзининг қадрдон оғиси ва дўсти — улук рус халқининг беғариз ёрдами ва кўмагини ҳаминча ҳис қилиб келаятгани билан чексиз фалхлангидилар. Буюк эл ўз бойлигини мумоим дўстлари билан бирга баҳам кўриб келмоқда. Россиянинг асл фарзандларини дийрида бахтли ҳаёт қарор топишда етакчилик қилдилар. Қишчи саройининг ишғолидан илҳом олган инқилоб чавандозларига мураббий бўлдилар. Гражданилар уруши йилларида эса саховатли эл ўз фарзандларини, бор куч-қудратини унинг душманини иссон қилиб, янги тузумни ҳимой қилишга сафарбар этган эди. Ана шу оловдан таланиб товланган, буюк мақсад замирида мустақил мамлакатимиздаги миллатлар ва элларнинг кўчилиши ўз ёзувига, ўз фани ва маданиятига, ўз адабиёти ва санъатига, тараққиёт этган санъати ва қишлоқ хўжалигига шу буюк Россия туйғули эришганлар.

Буюк Россиянинг беғариз оғаларча ёрдамидан баҳраманд бўлган «оқ олтин» ўлиқасининг миннатдор меҳнат ҳаёти бугун ўз қардошларини энг азиз меҳмонлар сифатида кўчқ очиб кутиб олмақда.

Улук рус халқи билан мустаҳкам қардошлигимиз Ўзбек адабиёти ва санъатининг гуркираб ўсишига ҳам самарали таъсир кўрсатиб келмоқда. Таниқли рус ёзувчилари ва шoirлари, театр ва кино санъатининг улкан арбоблари иборати ва бевосита ёрдамида Ўзбек совет адабиёти ва санъати намояндаларининг катта бир етук отряди етишиб чиқди.

Россия Федерацияси билан Ўзбекистон ўртасида адабиётлар ва санъатлар ҳамкорлиги тобора ўсиб ва кенгайиб бормоқда. РСФСР адабиёти ва санъатининг республикамизда бундан олдин ўтказилган кунлари, Ўзбек адабиёти ва санъатининг Москва шаҳрида, Ватанимизнинг бошқа жойларида ўтказилган ун кунликлари ва ҳафталикларини бунинг ёркин далилидир. Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги бўзилмас дўстлик фақат иттибоқимиз саҳифаларидагина эмас, балки Тошкент ва Навоий шаҳарларининг ҳуснида ҳам, Мирзачўл ва Қарши даштининг бугунги жамолида ҳам ўз ансини топган.

Ана шунинг учун ҳам Россия Федерацияси адабиёти ва санъатининг Ўзбекистондаги кунлари шунчалик бир воқеа бўлиб қолмасдан, балки жаҳонни ларзага келтирган ўша Улук Октябрь қадриятларининг, рус пролетариати билан кувалик пахтакорнинг, адабларимиз ва санъаткорларимизнинг, ўзбек ва рус тилларига таржималарда ўқилаётган иттибоқимизнинг, номийш этилаётган фильм ва спектаклларимизнинг дўстлиги, уларнинг мақсадлари муштараклиги таъоза этган катта байрам ва тантанадир. Бу — йўлбошимиз Владимир Ильич Ленин баҳси билан қамолга етган абадий дўстлигимиз мамлакатимиз.

Ленинча ҳаётбахш миллий сиёсат шарофатидан бу тўю тантаналар! Бугун Ўзбеклар дийрида катта тантана — Ўзбекистон ўз оғиси ва қадрдон Россияни кутиб олмақда. Ассалом, Россия! Пахтакорлар дийрига марҳаб!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

М А М Л А К А Т БЎЙЛАБ САФАРГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

АХР партия-давлат делегациясига бошчилиги қилаётган Ангола Озодлиги халқ ҳаракати (МПЛА)нинг Раиси, Ангола Халқ Республикасининг Президенти ўртоқ Антонио Агостиньо Нето 9 октябрь кунин Москвадан Ленинградга жўнаб кетди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов Ангола Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромиде ўртоқ А. А. Нетони, делегация аъзоларини самолёт зинасояси ёнида кузатиб қолдилар.

Ушун майдониде куролли кучларнинг уч туридан иборат фахрий қорувул саф тортиб турди. Фахрий қорувул бошлиғи ўртоқ А. А. Нетого рапорт берди. АХР ва СССР давлат гимнлари икки этилди. Н. В. Подгорний билан А. А. Нето ўртоқлар фахрий қорувул сафи олдида ўтидилар.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари П. Я. Струтовский, СССРнинг АХРдаги элчиси Б. С. Воробьев, СССР Ташқи ишлар министрининг бўлим муддир В. А. Лихачев, бошқа расмий кишилар меҳмонлар билан бирга мамлакат бўйлаб сафарга жўнаб кетдилар.

Ангола Озодлиги халқ ҳаракатининг Раиси, Ангола Халқ Республикасининг Президенти Антонио Агостиньо Нето бошлар АХР партия-давлат делегацияси шу кунин Ленинградга етиб келди.

(ТАСС).



ДУГОНАЛАР.

ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

МОСКВАЛИК ЖАМОАТЧИ МУХБИРИМИЗ РСФСР АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ КУНЛАРИДА ҚАТНАШМОҚ УЧУН ТОШКЕНТГА НЎЛ ОЛА-ЕТГАН БИР ГУРУҲ ЁЗУВЧИЛАР БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ. ҚУЙИДА УЛАРГА СЎЗ БЕРИЛАДИ.

Юрий БОНДАРЕВ.

Ленин мукофоти лауреати

— Қўшли Ўзбекистонга қилаётган сафаримиз мени гоят ҳаяжонга солмоқда. Чунки, бу сулуз дийрида менинг болалигим ўтган. Бахти кўндек порлаб турган бу ўлка қадимий маданият маркази сифатида оламга танилган. У Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек каби буюк алломаларини воқия етказиб, жаҳон фани ва маданияти ҳазинасига бебаҳо инжулар қўшди.

Улук Ватан урушидан олдинги Тошкент қиёфаси ҳали хотирамда. Қалбимга яқин бу шаҳар билан бўладиган урчушу олдинда қаттиқ ҳаяжонданам. Ховрининг ўзидаёқ ўзимни болалигим негачан кўчаларда сайр этиб юргандай ҳис қиламан. Бу кўчаларини энди танимасам керак. Чунки, Ўзбекистонда бўлганимдан буён қарийб қирқ йилча вақт ўтди. «Оқ олтин» республикаси маркази, унинг шаҳар ва қишлоқлари жамоли таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганини биламан. Эски қингир-қийиш кўчалар, лойсувоқ уйлар ўрнида замонавий, осмонўпар бинолар қад кўтарганини кино ва телевизор экранидан бир неча бор томоша қилиб, ўлка ҳуснига мафтун бўлганман.

Николай ДОРИЗО

— Мен биринчи бор Ўзбекистонда бундан ўттиз йил муқаддам бўлган эдим. Ушанда Марказий газета-журналларда дастлабки шеърларим чиққан, ёш шoir ҳисобланган мен «Комсомольская правда» газетасининг тошкентлиги бионоз Мирзачўлга келдим. Бу ерда Ўзбек ерининг янги романтикасини илк марта ҳис қилдим, бепоён чўлу биёбонларини боғу бўстонга айлантираётган, ҳар қачонгидан баланд руҳда меҳнат қилаётган замонадорларини кўрдим, билдим. Улардан, уларнинг бўёдор меҳнатидан илҳомланиб, туркум шеърлар ёздим. Шу шеърларнинг кўчилиги шу ерда, Мирзачўлда, баъзилари эса Москвага қайтган қўдоғи тўшди.

Орадан анча йиллар ўтди. Мен ёшлигимнинг бир неча қўнчилига кетган ерларини орақиб кутдим. Маёна, янгиликка етиш арафасида турибман. Яқин билганимни, эндиликда Мирзачўл бутунлай ўзгариб кетган, шовуллаб турган кўркам боғларга айланган. «Оқ олтин»га кат галлароз. Бу галги сафаримда ҳам у менга жўшқин наҳом бахти этса амаб эмас. Тошкентга талпинётганлигимнинг иккинчи бир бонес шундаки, у ерда, республиканинг музикали театрида менинг «Ўзалик конкурси» деган асарим муваффақиятли кўрсатишмоқда.

Ангола Халқ Республикаси Президенти Антонио Агостиньо НЕТО

Ангола Озодлиги халқ ҳаракати (МПЛА)нинг Раиси, Ангола Халқ Республикасининг Президенти ўртоқ Антонио Агостиньо Нето бошчилигидаги партия-давлат делегацияси КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг тақдирини бионоз расмий визит билан Совет Иттифоқига келди.

А. Нето 1922 йил 17 сентябрда Луанда округи (Ангола)нинг Капикана қишлоғида туғилди. Шу ерда у бошлангич ва ўрта маълумот олди. 1958 йилда Лиссабон университетининг медицина факультетини битириб чиқди.

А. Нето ўзмирлик чоғларида Португалияда фашист режимига қарши сиёсий ҳаракатларда, Ангола халқининг миллий-озодлик курашида актив қатнашиб келди. А. Нето Анголага мустақиллик берилишини талаб қилган Португалияда бирлашган яширин демократик ҳаракатининг ёшлар секциясини тузишда қатнашди. У фашизмга ва мустамлакачиликка қарши фаолиятини учун бир неча марта қамоққа олindi ва турмаларда ётиб чиқди. А. Нето 1956 йилда Ангола Озодлиги халқ ҳаракати (МПЛА)ни тузиш ва унинг программасини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилди. 1962 йил декабр ойда МПЛАнинг биринчи миллий конференциясида А. Нето шу ташкилотнинг раиси қилиб сайланди. Унинг бевосита раҳбарлиги остида мил-литер ватанпарвар кучларнинг куролли бўлишлари ташкил этилди. Португалия мустамлакачи армиясининг мунтазам қисмларига қарши актив жанговар ҳаракат олиб борилди, Ангола териториясида озод этилган рай-онлар тузилди.

А. Нето ўзининг ҳормас-толмас фаолияти туйғули миллий-озодлик ҳаракатининг атоқли раҳбари сифатида кенг шухрат қозонди. У Жаҳон Тинчлик Кенгаши президиумининг аъзоси қилиб сайланди.

1975 йил 11 ноябрда Ангола мустақил деб эълон қилингандан кейин А. Нето МПЛА Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ Ангола Халқ Республикасининг Президентлигига тайинланди.

А. Нето бошчилигидаги МПЛА Марказий Комитети ва Ангола Халқ Республикаси ҳукумати барча мамлакатлар билан тенг ҳуқуқлиқ асосдаги муносабатларни ривожлантириш учун курашмоқда, халқаро тинчлик ва ҳамфурқининг мустаҳкамлаш, муотамлашчиллик ва ирчиқилинни ҳар қандай форма ва кўринишларини тазоҳилла тутатиш. Ангола-нинг миллий суверенитетини, унинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлини изчилик билан амалга ошириш, Ангола халқининг манфаатлари йўлида прогрессив соци-ал-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш энг асосий ички сиёсий вазифа деб эълон қилинди.

А. Нетонинг ижтимоий-сиёсий ва давлат фаолияти жаҳондаги прогрессив кучлар томонидан юксак баҳо-ланди. А. Нето Жаҳон Тинчлик Кенгашининг қарорига бионоз Фредерик Жолио-Кюри номидаги медал билан мукофотланган; Бол-гария Халқ Республикасининг Давлат Кенгаши унга Димитров мукофотини берди. Куба Республикаси револю-цион ҳукумати томонидан 1976 йил июль ойда «Пайя Хирон» ордени билан тақдирланди.


А. Нето бир неча марта Совет Иттифоқига бўлди. У КПССнинг XXIII ва XXIV съездларида қатнашди. Улук Октябрь социалистик революцияси 50 йиллиги байрамида ва В. И. Ленин тутилган куннинг 100 йилида иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОНГА
КЕЛИШИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН




А. Нето Совет Иттифоқи билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ва ҳар тарафлама ҳамкорлиқни ривожлантиришини энгил та-рафдоридир.

Совет кишилари МПЛА Раиси, Ангола Халқ Республикасининг Президенти ўртоқ Агостиньо Нето бошчилигидаги партия-давлат делегациясининг визитини самимий табриқлайдилар ва бу визит ҳар иккала мамлакат халқлари ҳамда янги тинчлик манфаатлари йўлида Совет Иттифоқи билан Ангола ўртасида дўстона муносабатларини, қардош-ларча бирдамлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб қатъий ишонади-лар.



Суратда: Ватанимиз пойтахти қадрамон Москва шаҳрининг кўриниши.


БЕЛОЁНСАН, ҚУДРАТЛИСАН!



Приморье ўласи, Находка — Узоқ Шарқдаги энг йиринг портлардан бири.



Волгоград. Мамаев Кургандаги бу ҳайкал-монумент Сталинград қархоронлиги эпопесисидир.



Суратда: Байкал шимолидаги Курли причали. Байкал-Амур магистрალი қишлоғида қишлоқлар шу ерда қиби қилиб олинад.

ТАСС фотолари.

УРУШНИНГ ТУРЛИ КУНЛАРИ

Константин СИМОНОВ

АТОҚЛИ СОВЕТ адиби, Ленин мукофоти лауреати Константин Симонов ижодида Улуу Ватан уруши мавзун марказий ўрин тутди. Бу беки эмас. К. Симонов «Правда» ва «Красная Звезда» газеталарининг мухбири сифатида Улуу Ватан урушининг дастлабни кунларидеки Ватан тақдири ҳақ бўлаётган жанг марраларига отланган эди. У голиб Совет Армиясин билан Москва остоналаридан то Берлинга қархоронна кураш йўлини босиб ўтди. Совет халқининг мислиси жасорати ва матонати адибнинг қалбида ва хотирасида учмас излар қолдирди. К. Симонов худди шу мавзуда миллионлаб совет кишиларнинг тўқилганлигидан ақойиб поэтик асарлар, драмалар, қиссалар эди. Адибнинг Ленин мукофоти сазовор бўлган. «Солдат бўлиб туғилмайдилар» трилогиясини Улуу Ватан уруши мавзуда яратилган ноб асарлардан бири сифатида совет адабиётининг узинисидан ўрин эгаллади. Кейинги бир неча йил ичида «Дружба народов» журнали

сахифаларида Константин Симоновнинг жанговар йиллар мавзудаги янги асари — «Урушнинг турли кунлари» босилиб чиқди. Бу асар ўзвучининг жанг йилларида тутган кундалик дафтарлари манбаида юзага келган. Адиб асарининг муқаддимасида шундай дейди: «Китоб профессионал ҳарбийнинг ёни тарихининг меъуари эмас, балки у Улуу Ватан уруши воқеаларининг қандайдир бир қисмини ўз кўзлари билан кўрган ўзвучининг кундалигидир».

Адибнинг кундалиги мароқ билан ўқилади. «Урушнинг турли кунлари» совет халқининг жасоратини улуғлайди. У реал одамлар, реал ҳаётини воқеалар, конкрет муаммолар ҳақида теран мушоҳадаларга бой бир асар. «Кундалик» сахифаларида, жумладан, жанговар йиллардаги Ўзбекистон ва ўзбек халқининг ақойиб фарзандлари ҳақида ҳам гоёт самимий ва чуқур қалб эҳтироми билан ҳимоя қилинади. Куйида шу асардан парча ўқийсиз.

ҚИРҚ УЧИНЧИ ЙИЛ

ОЛМАОТАДАН Красновождискага бўлган масофани Тошкент — Ашхобод поёзига босиб ўтишни керак эди. Красновождисдан у ёнга самолётда кетамани, кемадаки бўлини ҳам мазлум эмасди.

Тошкентга етиб келганимда вокзалда «Красная звезда»нинг Туркистон ҳарбий округи бўйича мухбири полковник Дерман кутиб олди ва редакциядан кўнгирак қилишганини айтди. У Тбилисда «эмка» машиниси ремонт қилинганни айтди. У машина фойдаланиш учун менга берилишини айтди. Уша ерда фотомуҳбиримиз Яша Халип ҳам мени кутатган эди. Иккалаимиз шунангиз фронга жуъар эканмиз.

Мен редакцияга кўнгирак қилиб, Тошкентда уч кун тўхтаб ўтишга рухсат олдим. Бу ерда бир гуруҳа кино актёрлар театрда «Мени кутти» пьесамни сахналаштиратган эди. Уларнинг репетициясини кўришм, Тошкентга келиб қолган эски ўртоғим билан учрашганим керак эди. Бу дўстларнинг қисмати мени жуда ташвишга солиб қўйганди.

Лекин Тошкентда Ўзбекистон Компартиясин Марказий Комитетининг биринчи секретари Усмои Юсупов билан кўнгирамадан бўлиб ўтган учрашганим менда аёнликка кучли таъсирот қолдирди. Уша кунни унинг кабинетига Марказкомнинг иккинчи секретари Николай Андреевич Ломакин ҳам ўтирган эди. Тез-тез жаранглаб турган телефон кўнгируги, ҳадеб кийриб-чиқибётган одамлар сўхбатимизни тез-тез бўлиб қўйди.

Билмадим, Усмои Юсупов «Мени кутти» шеърининг биринчи сатрини тўсатдан ёддан ўқиб бергани учунми, гапни Сталинград ҳақида ёзган мақолаларимдан бошлагани учунми, ёки мен урушдан бу ерга, фронт ичкаригизга — Тошкентга тула-туғри урушдан келётган биринчи одам бўлганимданми, ҳарқалай Юсупов бу ерда қилинётган ишлар ҳақида гапириб беришни қалб зарурати деб билди шеклини, сўхбатимиз дарров қовушиб кетди. У ҳеч нимани бўй-беабо кўрсатмас, мушуқ ва қийин масалаларни яширмасдан гапирар эди. Чамаси, у бир гапни бошлаганидан кейин ҳамма фикрини тўқиб солишни одат қилиб олган эди. Шу билан бирга унинг гапларида бу ерда қилинган катта ишлардан фахрлилик ҳисси сезилиб турарди. Унинг ўзи ҳам, бу ерда у билан бирга ишлаётган бошқа кишилар ҳам уруш олдиданги масъулият туйғусини чуқур хис қилганлари учун ўз зиммаларига илоҳи борица кўпроқ юкин олишга ҳаракат қилиб эдилар. Холбуки, бизиш ҳам уларнинг зиммаларига ортилган юк озумига эмасдик.

Юсупов Тошкентга эвакуация қилинган қанчадан-қанча саноат корхоналарини жойлаштириганини, бу корхоналар энди ҳарбий мақсулот бераётганини фахрлилик билан гапирди. Бошқиде бу ерга шунча корхонани жойлаш мумкинлигини ҳеч қандай ҳақ билан келтирмаган экан. У бошқа нарса ҳақида — етим болаларни асраб олишган одамлар ҳақида янама фахрлилик билан гапирди. Ўзбек оилалари етимхоналардан, вокзаллардаги етим болалар учун мўлжалланган пунктлардан қўлаб гўдакларни ўз бағрларига олишган экан. Уруш етим қилган болаларни асраб олган оилалардан кўнчилигининг ўзи ҳам серфарзанд оилалар экан. Худди шу масалада халқнинг қалбида уйғонган маънавий гўзаллик туйғусидан Юсупов каттиқ ҳаяжонга тушгани унинг гапларидан шундоққина сезилиб тураб эди.

Чамамда, ниҳоятда ишбилармон, ҳамма нарсани олдидан кўра оладиган Юсупов қирқ биринчи ва қирқ иккинчи йиллар бошқиде белгилангандан кўра кўпроқ заводларни Тошкентга ва умуман Ўзбекистонга аур машаққатлар билан жойлаштиришга киришар экан, бу ўринда фақат урушнинггина эмас, ўз республикасининг урушдан кейинги келажagini ҳам ёддан чиқармаган. Кейинчалик республика саноати нақадар кескин тараққий этганини, бу тараққийга уруш пайтида эвакуация қилинган заводлар, бу корхоналар атрофида пайдо бўлган кишилар синфининг хизмати нақадар катта бўлишини айтиш билган. Чамамда, худди шу сўхбат пайтида ҳам у шу нарсаларни унутмаган. Лекин энг муҳими шундаки, ўша пайтда — биз учун энг ёмон пайтда уни келажакка ишонч билан қарашга ўртган нарсаси — қалбида жўш урган буюк ҳис — галабага қатъий ишонч ҳисси бўлган...

Фронга жуъаш олдидан Тбилисда ўтказган икки куним ҳақида кундаликларда ҳеч нима ёзилмаган. Булар сафар олдиданги оддий кунлар эди.

Уша оқшом Тбилисда келган куним кечқурун ёнигиз олиш учун бориб, меҳмонхонага қайтаётганимда эски дўстим Ираклий Абашидзега учратиб қолдим. У мени узоқдан кўриш биланқо кина қилиб кетди. Бир неча кундан буён Тбилисда экансан-у, қорангги кўрсатмасди, деб ранжиди.

Мен айбим йўқлигини, шу бугун етиб келганимни, кун бўйи югуриб юрганим, фақат ярим сат илгари ишдан қўлим бўшганини айтдим. Шунинг учун ҳеч қандай кўнгирук қилол-мадим, деб уру сўрдим.

Ираклий ҳайрон бўлди. Авторлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш бошқармасида унга қизик гапни айтишганим. Гўе мен бир неча кун илгари келган эканман. Уша ташкилотга бориб, «Шахримиз йиғити» спектаклини учун авторлик қалам ҳақини олган эдимман. Бугун эрталаб эса яна галати гап тарқатилди. Мен меҳмонхонада қим биландир ёқалашганим. Мени бошлаб дўстларимдан Ираклий бу ерга менга кўмак бериш учун етиб келган экан.

Мен қўлиб юбордим ва бу ерга шу кун эрталаб келганимни, ҳозирча Тбилисда биров мени дўстларига улуғ-маганини айтдим.

Ираклий енгил тортиб, хўрсиниб қўйди.

— Демак, кимдир сенинг номининг сотиб юрибди. Унинг гапи тасдиқланди. Тбилисда рўй берган ҳодиса кейинчалик бутун уруш йилларида вақти-вақти билан юзага қалқиб чиқиб турган узундан-узқ сўгузаштлар оқимининг бошланғич бўлди.

Фамилияси мен билан адаш бўлган жиноятчи, қочоқчи, хуллас қандайдир устмон авантюрист менинг ўша пайтда бошлаган ҳамма лирик шеърларимни ёдлаб олган. Қардан-дир, денгиз азиятиса қалитан-лейтенантининг формасини ва Қизил Байроқ орденини топиб олган-у, бутун уруш мобайнида турли ерларда вазиятга қараб, гоҳ менинг номимни сотиб, гоҳ йўқ эканимни номидан «иш кўрсатиб» юрган.

Тбилисда эса аввал менинг номидан пул олган, кейин қим биландир ёқалашиб, калтаб егани муфтига ростлаб қолган. Лекин бу воқеалар унинг қўлдан-қўл сўгузаштларини мўқаддаси бўлган, холос.

Уша пайтга ҳос бўлган яна бир нарсаси, уруш йилларида шеърга муҳаббат қуяганлиги, шеърни шитиш истаги нақадар ҳаётини заруратга айланиб қолганини эди. Одамларнинг айтишига қараганда, ўша «капитан-лейтенант» шеърини жуда ҳаяжон билан ўқир экан. Ёши ҳам, таъдиси ҳам менга ўхшаб кетган. Шунинг учун одамлар унга алданган. У пайтда эса телевидение бўлган.

У урушдан кейин орадан бир йил ўтганидан кейингина қўлга тушди, яъни ўша даврга ҳос сўз билан айтганда жой-растони жо бўлди. Алдшим Ростов областининг шахарларида биринчи шеър ўқиб турганида яқинда фронтдан қайтган лейтенант уни таниб қолади. Лейтенант уруш охирида Туркия Украина фронтинда мен билан кўришган, менинг кие-фамили яхши эслаб қолган экан. Лейтенант қатъийли одам экан. Шу оқидеки адашганимни ёқасидан олиб, тегишли жойга топширган. Кейин эса бу шеърнинг кечасининг ажабтоур якуни ҳақида бутун тафсилотлари билан менга хат ёзиб юборган.

Лекин ўша пайтда — қирқ учинчи йилнинг январьда Тбилисда рўй берган воқеа бу гериойб сўгузаштнинг бошланғич эди холос. Ираклий менинг шу кун эрталаб бу ерга келганимни эшитганидан кейин, тиззаларини шатайилганча эгилиб-эгилиб қаҳ-қаҳ ура бошлади.

Тбилисдан жуъаш арафасидаги оқшомни грузин шоири ва драматурги Ило Мосашвилининг уйда ўтказдим. Бу шоирни ҳам худди Ираклий каби урушдан олдин ҳам билар эдим. Унинг уйда ўша оқшом Александр Кутатели билан танишдим. Меъбоналар грузин одатига кўра уйларда нима бўлса ҳаммасини дастурхонга тўкишди. Дастурхон ниҳоятда сахий ва айна пайтда ниҳоятда қашоқ эди...

Уша оқшом мен кўп шеър ўқидим. Меъбоналар нимани сўраса ва ўзим нимани хоҳласам ҳаммасини ўқийвердим. Эсимда. Меъбоналарда «Уй бекаси» шеърим айнаикса кучли таъсирот қолдирди.

Тўнқилар қатори қадаҳ қўй бизга Қайтиб келажакимиз бир кун дафатан.

Блокнотимда фақат бир сатр ёзу — Ило Мосашвилининг адреси таъкидланган: «Мочабели кўчаси, 7 уй». Лекин хотирамда бу оқшом ва кечанинг кўп тафсилотлари ҳамон сақланиб қолган. Бунинг сабаби бор. Сабоби шунки, ўша оқшом меъбоналар бу тўғрида овоз чиқариб гаплашмасалар ҳам, ҳаё-лен мени урушга кузатар эдилар.

Гоҳ фронтга борадиган, гоҳ қайтадиган, гоҳ совуқ, гоҳ ис-сиқ шаронларда яшашга ўрганиб қолган ҳарбий мухбир сифатида мен ўзимни алоҳида тайёргарлик билан урушга кузатишларига қўнмаган эдим. Турисини айтсам, қандайдир ирим қилар, бундан қўрқардим ҳам. Уша оқшом эса мени урушга кузатишди. Мен шу тобада шеър ўқимасам, кейинча-лек ўқиб имкониятига эга бўлолмайман деб қўнганим учун бўлса керак кўп шеърхонлик қилдим.

Агар Тбилисда ўша оқшом ва ўша кеча шеърхонлик қил-маганимизда орадан кўп йиллар ўтгаб эзилган «Урушда йигирма кун» қиссасида бу ҳақда алоҳида деб ёзилмаган бў-лар эди. Қиссадаги ўша боб эса китобнинг бошқа қисмлари-дан кўра ўзимга кўпроқ ёқди.

Ушанда — 1943 йил қишда мен Кавказ фронтда бир ойда бўлдим. Январнинг ўртасидан бошлаб, Краснодар озоқ қилинганча фронтда эдим. У ерда кўрганларим ҳақида «Красная звезда»да бир қанча мақолалар ёзиб бердим. Улардан бири — Краснодар озоқ қилинган кун эзилган «Краснодарда» деб номланган мақолаи Москвага ҳарбий телефон орқали маълум қилган эдим. Бошқа бир мақола — «Рус қалби» эса кейинроқ, Ростов озоқ қилингандан кейин, шаҳарнинг гарбий қисмидан оқиб ўтадиган Миус дарёсида узундан-узқ жанглар бошланган пайтда ёзилган эди. Бу мақолада январ ва феврал ойларида ўша кўрган воқеалар ҳақида маълум хулосалар чиқаришга ўринган эдим. Мақола шундай сўзлар билан бошланганди.

«Уруш йилларининг эскириб кетган блокнотларини ыарак-лар эканиси, қалам билан эзилган, вақт ўтиши билан хирала-шиб қолган сатрлар орасидан одамлар ва жойларнинг но-ми, бу ёзувлар қимга ва нимага таваллуқли эканини кейинча-лек эслашнинг қийин бўлади. Лекин бир нарсаси асло қиш-нинг ёддан кўтариламан. Бу урушда ўзимга ёдда қол-роқ бўлган туйғу — жанговарлик туйғуси асло ёдимиздан чиқмайди».

Ха, худди шундай. Бу туйғу худди «абадий ҳамроҳ» каби ҳамон бизга эргашиб юради.

Русчадан Уткир ХОШИМОВ таржимаси.

ИНҚИЛОБ БЕШИГИ

Ветеранлар
минбариОЙДИН
ТАҚДИР

СЕРКУЕШ РЕСПУБЛИКА-МИЗ байроғидаги қўш Ленин ордени ва Халқлар дўстлиги ордени ёнида Октябрь революциясин ордени яқинлаб турибди. Бу орден ўртасида революциянинг афсонавий дарачиси — «Азэр-ра» крэйсери тасвирлангани, у биз учун чуқур рамзий маънога эга. Орден республика-миз меҳнатқиларининг революцион ҳаракатдаги хизматлари ва коммунистлик қурилишда эришган муваффақиятларига берилган юксак мукофот-гина бўлиб қолмасдан, айни пайтда у кўлга киритган барча галабаларимизнинг сарҳаммаси — Инқилоб бешиги Ленинграддан, Улуу Октябрь соци-листик революциясининг ҳаёт-бахш бурондан бошланганли-гини ҳар биримизга эслатиб туради.

Дарҳақиқат, нарҳда ил йи-гириб, чиғиридида сув чиқар-ган, оддий кетмонни ҳам чет-лазлардан олтин баҳосида со-тиб олган ўзбек халқи. Улуу Октябрь кўшидан баҳраманд бўлиб, мислсиз юксалиш йўли-ни босиб ўтди.

Ха, дастлабки аёлларимиз меановилик дугонасидан чигта гул босишми, тўқувчиликни ў-рган. Урал ишчиси бизга пул-лат қийиш санъатидан сабоқ берди. Донбасслик шахтёр, боқулик қончидан кўмлар ва нефть қазиб чиқариш меҳорат-ини ўзлаштирди. Ленинград революционерларидан сабот ва матонат, фидоқорлик ва жасорат дерсин олди. Бир мисол келтирай 1922 йили Ишчи, деҳқон ва қизил аскар депутатлари Петроград Сове-

ЭЛДАН-ЭЛГА, тилдан-тилга кўчиб келётган бир ривоят бор. Эмиш, бир доғишманд-дан: «Олтиндан қиммат нарсаси нима? — деб сўрасалар: — Дўстлик, деб жавоб берибди. Темирдан мустаҳкамроқ нима бори? — деб сўрасалар: — Дўстлик, деб жавоб берибди доғишманд яна. Бурондан ҳам кучли нарсаси борми? — дея сўраган эканлар. — Дўстлик, деб жавоб қилибди доғиш-манд. Бу қимматли эса оли-шимга яқинда юз берган бир воқеа сабаб бўлди. Қурилиш-мига мухбирлар келишган экан, бригадамизга рўпара қи-лишди. Экскаваторчиларнинг ишлари билан танишдим. Ки-зилтепадаги «Обиленин» не-сос станциясида бўлишди. Мен уларга бригадамиз аъзо-ларининг тўққизинчи беш йил-лида 559 минг куб метр туп-роқ ишларини бажаришга му-ваффақ бўлишганини сўзлаб бердим.

— Демак, бир беш йиллик-да икки беш йиллик нормаси-ни бажарибсизлар-да? — Шундай деса бўлди.

— Янги беш йилликдаги ре-жаларингиз қандай?

— Партиямиз XXV съезди ирригаторлар олдиға ҳам ул-кан вазифаларни қўйган. Бу беш йилликда бригадамиз коллективи 720 минг куб метр тупроқ ишларини бажариши лозим. Биз ўзи икки баравар ошириб бажаришга сўз бер-ганмиз.

— Яна бир савол. Бригадан-гизда ўндан ортқ миллат ва-киллари бор экан? — сўраб қолди мухбирлардан бири.

Василий ЖУРАВЛЕВ, «Амубухарканастро» бошқармаси экскаваторчи-лар бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қарх-мони.

РОССИЯ БУЛБУЛИ

Булбулни табиат қўшиқ учун яратган ва тирик оламга эҳсон этган. Ха, бул-бул табиатнинг эҳсони ва усиз мавжуд дувё, жумладан инсон ҳаёти кемтик бў-либ қоларди.

Машҳур рус хонандаси Людмила Зинкина фақат булбулга қиёс қилиш мумкин. Чунки у ҳам тугма истеъдо-д, шoir тили билан айтганда, «қўшиқ учун туғилган инсон». Улуу рус халқи севинки қиз Людмила Зинкина бами-соли ўз қалбнинг эзгу ҳис-туйғуларини, юксак ҳаво ва интилишларини қў-шиқнинг мўъжизакор тили билан жо-налантириш, тараннум этиш учун дунёга келтирган, десаи муволаға бўлмас.

Людмила Зинкинанинг хонандалик истеъдоди жуда эрта намоён бўлди. 16 ёшида Москвада уюштирилган санъат конкурсларидан бирида қатнашиб, сеҳр-ли овози билан йилгилчиларни ҳайратга солган эди. Ушанда конкурсда тўрт мингдан кўпроқ қўшиқчи қатнашиб, уларнинг орасида ҳавасдорлар ҳам, про-фессионал хонандалар ҳам бор эди. Ахир бу конкурс Петлицикий номи-ли машҳур рус халқ хори учун зарур бў-либ қолган битта солиштириш аниқлаб бе-ринчи керак эди-да! Уша тўрт минг хо-нандадан фақат биттаси — ўн олти ёш-ли рус қизи, барямол истеъдод соҳиб-и Людмила Зинкина Петлицикий номи рус халқ хорига қабул қилинди. Людмила Зинкинанинг совет санъатдаги катта ва ҳар қандай ҳавасларга арзийдиган бахт-ли ҳаёти ана шундай бошланди.

Ушандан буён орадан ўттиз йилдан кўпроқ вақт ўтди. Совет санъатининг етук билимдонлари яқинлиқ билан таъ-кидланганларидек, Людмила Зинкина про-фессионал санъат соҳасидаги улкан фойлияти давомида ўз «жанр»ини ярат-ди, бу жанрнинг эса фақат ва фақат «Рос-сия ҳақида қўшиқлар» деб аташ му-мкин.

Дарҳақиқат, Зинкина қўшиқларини тинглаган киши қўнғида Россия жо-наланди: унинг ўрмонлари, ям-яшил ке-лишлари, бу кенгликлар устида оҳиста сўзиб юрган момик туманлар, рус қал-бидан поёнсиз ёнилоб оқаётган ва энг эзгу қўшиқларда қўйилган келинган Вола, ўфларга туташган бугдойларга оралаб ўтган йўллар шонуллаб, кўк би-лан бўйлашиб турган оқ қайишлар... Энг муҳими — рус халқининг бениҳоя жо-набодар, саҳонатли, мардонвор инсо-ний ҳис-туйғуларига бой, ўзгалар дарди-га ва ёруғ озуларига чуқур шерик қа-би... Зинкина қўшиқларида бунинг ҳам-маси чуқур самимият, юракнинг теран жойларида туғилган ёниқ бир муҳаббат билан қўйланади.



Людмила Зинкина ҳозирги замон по-каль санъатининг маданиятини чуқур ўзлаштирган, айна пайтда рус халқ қў-шиқларига ҳос табиий соддалик ва са-мимийлик, қувноқлик ва ўйчанлик, юк-сак маънавий софлиги ва гўзаллигини ўзига мезон қилиб олган санъаткордир. СССР халқ артисти, Ленин мукофоти лауреати Зинкина ўз қўшиқлари билан дунёни забт этмоқда. У Америка қитъа-сига ҳам, Европанинг барча мамлакат-ларига ҳам ва қатор Осё давлатларига ҳам неча бор гастролга бораган ва ҳар гал қўшиқ сеҳри билан миллион-милли-он кишиларни маҳлиб қилган эди.

Людмила Зинкина серкуеў ўлкамизда ўтган рус адабиёти ва санъати декада-си қатнашчилари қаторида бундан бир неча йиллар мўқаддам Ўзбекистонда бўлган ва унинг концертлари республи-камиз меҳнатқиларининг қалбида ўч-мас таъсиротлар қолдирган эди. Маш-ҳур рус хонандаси ана диёримизда ўта-диган РСФСР адабиёти ва санъати кў-ларининг иштирокида қилган бири сифа-тида юртимизга ташриф буюрди.

Зинкина қўшиқларини ташрифлаш мушкул. Қўшиқ ҳеч қачон таърифлар-га сиймаган. Ҳар қандай таърифлардан юксак, севинки рус қўшиғи, «оқ олтин» ўлкасига марҳаб!

Суратда: Людмила ЗИНКИНА.

ҚУЛИМИЗ КЎКСИМИЗДА

Рус санъати, унинг ижод қорлари бизга ҳамма вақт илҳом бахш этиб келган. Ма-салан, менинг ўзим рақс санъатининг атоқли устаси ва катта билимдон СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Надежда Надеждина раҳбарлигида «Верёзка» Давлат академик хореографик ансамблидан ҳайратланиб, илҳомланиб «Баҳорини тузганман».

РСФСР адабиёти ва санъ-ати кунлари республикамиз ҳаётидаги улкан воқеалар-дан бири. Ў Ўзбекистон меҳ-натқиларини буюн мадания-тдан ана бир бор баҳра-манд қилади, улуг рус хал-қи билан ўзбек халқи ўрта-сиданги бузилмас дўстлик ва қардошлиқни янада мустаҳ-камлайди.

Шунинг учун ҳам:

— Уйимиз ва қалбимиз тўри сизники, азиз меҳмон-лар, хуш келибсиз! — дей-миш.

Махмуд МҒДИНОВ, «Ташсөлмаш» завод-ининг туҳунақо-сасари, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

Уйимиз тўри сизники

РСФСР адабиёти ва санъ-ати кунлари республикамиз ҳаётидаги улкан воқеалар-дан бири. Ў Ўзбекистон меҳ-натқиларини буюн мадания-тдан ана бир бор баҳра-манд қилади, улуг рус хал-қи билан ўзбек халқи ўрта-сиданги бузилмас дўстлик ва қардошлиқни янада мустаҳ-камлайди.

Шунинг учун ҳам:

— Уйимиз ва қалбимиз тўри сизники, азиз меҳмон-лар, хуш келибсиз! — дей-миш.

Махмуд МҒДИНОВ, «Ташсөлмаш» завод-ининг туҳунақо-сасари, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

ДУСТЛИК ТАРОНАЛАРИ



ХАЛҚ ИЖОДИ КЎЗГУСИ



● РУС САНЪАТИНИНГ УЗ-
ГА ХОС КУРИГИ
● РАНГ-БАРАНГ ПРОГРАМ-
МА БИЛАН
● ЎЗБЕКИСТОН МЕХНАТ-
КАШЛАРИ ХУЗУРИГА

ХАЛҚ САНЪАТИ соҳасида меҳнат қиладиган инжодор уч нарсани домю ёдда тутиши керак: халқни севиниши, халқ санъатини ардоқлаши, уни шонорона кўз билан кўриши. — Бу сўзлар «Берёна» давлат академик хореографик ансамблининг бадий раҳбари, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Надежда Надеждинага таълимлик. Ҳа, шундай. «Берёна»чилар ана шу қондага амал қилганликлари учун ҳам тезда тилга тушди, инилонлаб ишчилар меҳри-муҳаббатини қозонди. Эндигина йигирма саник йилга тўлган ансамбли бутунги кунда бутун ер юзиде билдирилди. «Россианинг йфтихори» деб эътироф этилди. «Берёна» ансамбли репертуарини рус халқи инжодининг кўз-гуси дейиш мумкин. Рус халқи инжоди эса, рус кишиси маънавий гузаллигининг улмас поэмасидир.

Маашур ансамбль РСФСР адабиёти ва санъати кунлари қатнашчилари сафиде Тошкентга ташриф буюрди. Республи-
камиз санъат мухлислари коллективни яхши билдиларди. Бунгача у дирижорда уч марта гастролда бўлган эди. Ансамбль Тошкентга учинчи бор келганида Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишлаб республика-
мизда ўтказилган СССР халқлари санъати фестивалида ишти-
рок этди. Ушанда республикамиз томошбинлари РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар Н. Рязова, Ж. Агафоновна, ёш, талантли санъаткорлар Э. Ершова, Т. Королева, Л. Бугенина, Л. Павлова, Г. Петрова ва бошқаларни қизгин олқишлаган эдилар.

Ансамбль бу гал Тошкентга энг сара репертуари билан келди. Шубҳасиз, унинг рақслари адабиёт ва санъат кунла-
рига файз киритади.

Суратда: «Берёна» ансамбли рақс ижро этмоқда.

БУТУН — БУТУНИТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК ХОДИМЛАРИ КУНИ

БУРЧГА САДОҚАТ



Пахтазор ўзининг бўлиқ кў-
сай, кўрак ва оппоқ очилиб
турган чаноқлари билан ҳали
ҳам кишини қувонтиради. Бу
ерда, мамлакатнинг донгдор
механизатори, Ленин мукофо-
ти лауреати, КПСС XXV съез-
ди делегати, Социалистик Меҳ-
нат Қаҳрамони Турсуной Оку-
нова бошчилик қилган гектар
ердан 56 центнердан ҳосил
териб олиганиданги кишининг
ишонсини келмайди.

— Бундан бир кун олдин ём-
ғир ёқди. Турсуной асабийлаш-
ди, чунки у «Ўзбекистон» те-
рим машинасида атиги бир не-
ча соат ишлаган эди. Шунга
қарамай у, машина бункери-
дан ўн тонна пахта тўкишга
муваффақ бўлди. Мавсум бо-
шидан буён 415 тонна пахта
терди.



Охунованинг шогирди ва
сменадорлари Замира Абдува-
бова машинани бошқаришни
ўрганиб олди. Ун тўққиз яшар
қиз ўзининг биринчи терим
мавсумидаёқ «зангори кема»
ни мустақил дадил бошқар-
моқда. У ҳозиргача салкам 100
тонна пахта терди. Мажбурия-
ти эса 130 тонна. Замира Тур-
суной Охунова билан бирга
ишлаётганлигидан фараҳлана-
ди. Т. Охунова июнь ойида
мамлакатнинг бошқа донгдор
механизаторлари билан бирга
КПСС Марказий Комитети бош
секретари ўртоқ Л. И. Бреж-
невга йўлланган хатта имзо
чеккан эди. Моҳир механизатор
уш афтада 75 гектар май-
доннинг ҳар гектаридан 69
центнердан хирмон кўтариш
мажбуриятини олди. Уш эса
машина билан 450 тонна ёки
ўтган йилдагидан 40 тонна кўп
пахта теришга аҳд қилди.

Салима Хайдарова бошлиқ
бригада ҳам донгдор механизатор
бригадасидан ортиқда ортиқда
колхозликка ҳаракат қилмоқ-
да. Бултур бу коллектив қолоқ
хисобланарди. Турсуной бри-
гадани ўз оталигига олди. У
чигитни сифатли қилиб экиш-
га кўмаклашди. Гуза парварши
шохасидеги унинг тасвиқла-
ри мўл ҳосил тўплашга ердам
берди. Бунинг натижасида хо-
зиргача ҳар гектар ердан 35
центнердан пахта териб олин-
ди. Терим давом этмоқда. Кол-
хоз бутун йиллик пахта тайёр-
лаш планини бажариб қўйди.
Ҳозиргача давлатга 2700 тонна
пахта сотилди.

Турсуной ва унинг меҳнатда-
ги ҳаммаслари — Чинол райо-
нидаги Киров номида колхоз
пахтакорлари ваъдага вафо қи-
либ ўз сўзлари устидан чиқ-
моқдалар.

М. КОШЕВАТСКИЙ,
ЎзТАГ мухбири.

Суратларда: Т. Охунова ва
З. Абдуваҳובהва.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Реклама

Телевидение

10 ОКТЯБРЬ, ЯКШАБЭ

МАРКАЗИЙ
ТЕЛЕВИДИЕНИНГ
«ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиланган. 10.10 —
Зарфияда сафланган. 10.30 —
Будилнинг. 11.00 — Совет
Иттифоқида хизмат қилганлар.
12.00 — В. Крайниев. «Роса»
станциясидаги «чавадзолар»
(телеспектакль). 13.30 — Қиш-
лоқ инжиллари. 14.30 — Му-
зикали кино. 15.00 — Оза-
на (бадий фильм). 16.35 — Сиз-
нинг ҳаётингизда. 17.25 —
Халқаро панорама. 18.15 —
Пирс майдонда. 19.00 — Янгил-
ланган. 19.15 — Мультифильм.
19.35 — Киносаҳначилар клуби.
20.35 — 1976 йил кўшн-
лари. 21.00 — Совет Иттифоқи
чет эллик меҳмонлар шонли
билан. 21.15 — Дахшат нечаси
(бадий фильм). 22.00 — «Вақт».
22.30 — Сизнинг фикирингизча.
23.30 — Катталар учун мулть-
фильм.

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДИЕНИНГ
ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиланган. 10.20 —
Кўйланг, ёш хонандалар (те-
леоперет). 10.50 — Сизхат-
саломатлик. 11.20 — Ёш кино-
хавасдорлар клуби. 12.20 — Физ-
культура ва спорт (тележур-
нал). 13.20 — Шидат (бадий
фильм). 14.40 — Кинотан-
лиқчилари. 15.10 — Хўшха-
ллик. 18.05 — Болалар
учун кинофильм. 18.20 —
Санъат гунаҳлари. 18.50 — Ўз-
бекистонда РСФСР адабиёти ва
санъати кунлари олинди. 19.15 —
«Зангори ёркан» почитаси.
19.45 — «Ахборот». 20.00 —
Назм ва наво. 21.00 — «Ахбо-
рот». 21.20 — Телеминута-
торлар. 22.00 — «Вақт» (Москва).
22.30 — Вутуниттифоқ қиш-
лоқ хўжалик ходимлари кун-
га бағишланган кўрсатуви.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ
ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Ота-оналар учун
кўрсатуви. 19.35 — «Энг аввало
театр». 20.35 — Тошкент янги-
ланган. 20.50 — «Зорёв».
21.10 — Хўшха-ллик фильм.

Театр

А. НАВОЙИ НОМЛИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА
ТЕАТРИДА — 10/Х да Испан
миниятуралари (12.00 ва 19.00
да).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
— Шимолли Осетия АССРда
хизмат кўрсатган артист
ЭМИЛЬ КИО раҳбарлигида ян-
ри иллюзион ревью гастролла-
ри (11, 15, 19.30).

Кино

Халқ романи — САНЪАТ СА-
РОИИ, «НУКУС», «ВОСТОК»
(кундуз ва кечкурун). «ТОШ-
КЕНТ СОВЕТНИНГ 30 ЙИЛЛИ-
ГИ». «ЧАЙКА». «КОМСОМОЛ 30
ЙИЛЛИГИ» (хуфт соатларда).
«ҚОЗОГИСТОН» (12, 13, 14, 16,
17, 18, 19, 20, 21.00).
Ишончим комил — НАВОЙИ
номли (кундуз ва кечкурун).
«ДРУЖБА» (хуфт соатларда).
«МОСКВА» (10, 11.30, 13, 14.30,
16, 18, 19.30, 21.00). «ҚОЗОГИС-
ТОН» (11, 15, 22.00).

ЛУТФИХОНИМ САРИМСОҚОВА — 80 ЁШДА

САНЪАТНИНГ КАМАЛАК ЖИЛОСИ

СССР халқ артисти Лут-
фихоним Саримсоқова та-
баррук 80 ёшининг довоига
кўтарилди. Шу муносабат
билан биз республика театр
ва кино санъатининг бир гу-
руҳ намояндасига муро-
жаат қилиб, Лутфихоним Са-
римсоқова тўғрисидаги қало
сўзларини, санъатга бағиш-
ланган ҳаётининг мазмунини
шарҳ этувчи ўйларни ва
мулоҳазаларини ёзиб олдим.
Бу ўйлар ва мулоҳазалар
турфа хил. Ленин улар ба-
мисоли камалак рангларин-
дай жамул-жам бўлиб, маш-
ҳур актрисанинг яхлит
ижодий портретини юзага
келтиради, деб ишонимда.

ХАЛҚНИНГ ОҚСОБОҒИ

— Лутфихоним Ўзбек те-
атр санъатининг бошчилиги
тебратган, уни бағоватга ет-
казган санъаткорларимиздан
бири. Санъат оstonасига илк
қадамларини 1924 йилда
Ҳамза Ҳанимзода раҳнамо-
лигида ташлаган Л. Сарим-
соқова ярим аср давомиде
унга ҳалол ва ёрқин истеф-
од билан хизмат қилди. У
М. Қориевнинг, М. Мирзи-
ялов ваби устозлар қаторида
1924—1930 йилларда таш-
кил этилган Кўқон, Анди-
жон ва Фарғона театрлари-
да биринчилардан бўлиб саҳ-
нага кўтарилди.

Лутфихоним Саримсоқова
1934 йилда Тошкент шаҳри-
даги Свердлов номида театрга
тақлиф этилди. 1937 йил
биз, Ўзбек санъатининг ҳам-
ма авлодлари вакиллари
учун ҳам, жумладан, Лут-
фихоним учун ҳам унутил-
мас йил бўлиб қолди. Уш
йили Ватанимиз пойтахти
азим Москвада ўтказилган
Ўзбек адабиёти ва санъати
декадасига бордик. Л. Са-
римсоқова Коммунист Иншнинг
«Гулсара» драматсида оза
ролинини, «Фарҳод ва Ширин»
драматсида Есуман
ролинини моҳирона ижро этиб,
юксак дидли москвалик то-
мошбинларнинг тақсирларига
сазовор бўлди.

Яна бир нарсани айтқу-
чиим. Свердлов номида те-
атрда ишлаган йилларда ая
Ўзбек дуторин қизлар ансам-
блини ташкил этди. Лутфи-
хонимнинг дуторчи қизлари
ешитган юракларини сел қи-
ладиган дутор оҳанглари ва
латиф қўшиқлари билан халқ-
қимиз орасида шухрат қоз-
онди. 1940 йилда Катта
Фарғона каналини буғдига
келтириш учун бутун Ўзе-
бекистон меҳнаткашлари оёқ-
қа туриб, умумхалқ ҳаша-
рини уюштирдилар. Ўн минг-
лаб одамлар кетгунча бел-
кўрак олиб, қол-қанор бил-
дан елкада туяроқ ташиб,
канал қазишга тушди. Фидо-
ли кириларида бел боғлаб
хизмат қилиш ҳамма-нинг
виждоний бурчи эди. Бу
маъракадан Лутфихоним ва
унинг дуторчи қизлари ҳам
четда қолмадилар. Қурилиш
қирғ бек кун давом этган
канал бўйларида дутор
ҳаволари ва дуторчи қиз-
ларнинг янгроқ овозлари

қалбларга ором бериб, ба-
ралла янграб турди.

РАЗЗОҚ ҲАМРОЕВ:

— Жуза кўпчилик санъ-
ат ихлосмандлари Муқимий
номли музикали театр де-
ганда ҳеч иккиланмай
Лутфихоним Саримсоқовани
кўз олдида келтирадилар. Бу
санъаткор учун катта, жуза
катта шараф ва бахтдир!

Муқимий театри тимсоли-
да Лутфихоним Саримсоқо-
ва кўришининг сирин олдим.
Ая театримизни ойналаб
катта қилганлардан бири.
Жумладан, у бетақдор ма-
ҳорат билан яратган образ-
лар туфайли театримиз до-
вуқ таратди. Иттифоқ миқё-
сида тилга ва дилга тушди.
Лутфихоним Саримсоқова
Муқимий театрга кўп на-
са берди. Булар: меҳнатсе-
варлиги, фидойилиги, илоҳи-
ячилиги, зийратлиги, кўнгил-
сизлиги, эртани равшан кўра-
лишчилик ола интилувчи-
лиги ваби фанларидан, ая
муқимий маҳорат, ая
муқимий маҳорат.

Бизда алақачон Са-
римсоқова мактаби шакллан-
ган. Еш актёрлар учун Са-
римсоқова билан ёнма-ён ту-
риб роль ижро этиш ёки
унинг ижросини қузаатиш
маҳорат, мактабининг бир
дарсини ўташ демакдир. Те-
атримизнинг ҳозирги кунда
республикага таниқли кўн-
чилик артистлари ва даст-
лабки дадил қадамлари бил-
дан кўзга ёрқин ташланиб
келатган қатор ешлари ў-
ларини фахр билан Сарим-
соқова мактабининг талаба-
лари деб билдилар.

СОРА ЭШОНТЎРАЕВА:

— Лутфихоним Сарим-
соқова Ўзбек саҳнасида
ва экранда миллий руҳ
барқ уриб турган ниҳоят
да халқлиқ, Ўзбекиона об-
разлар яратди. У Ўзбек хал-
қлари, Ўзбек оналари тимсо-
лида кўринди. Хоҳ етакчи,
хоҳ эпизодик бўлсин, Лут-
фихоним Саримсоқова ўйча-
на роллариинг ҳаммаси э-
сада қоларли, ёрқин образлар-
дир.

Лутфихоним ижро этган
ролларида Ўзбек аялининг Со-
вет ҳокимияти йилла-
даги янгилача қиёфаси ак-
сиб татлини толиди. Бу ро-
ларлар таъсирчанлигининг асо-
сий босиш шунки, улар халқ
орасидан чиққан, халқ билан
бирга волея етган, тузумни
ми тараққийёт билан ҳам-
нафас яшаган, унинг шаро-
фатини тақдирлида хис қи-
лган инсоннинг теган шаҳсия-
тидан озиқа олади. У қалба-
нинг, руҳий дунёсининг кат-
та таъриқчилариини, ниҳоятда
халқлиқ характерининг бой-
лиқларини ролларга бағиш-
лаб, уни ўйига хос бир тар-
зда талқин этади.

Лутфихонимнинг актёрлик
диапазонини ниҳоятда кенг.
Шу ўринда бир мукосса
келтираман. У тегисиз ма-
ҳорат билан ижро этган
«Фарҳод ва Ширин» музика-
ли драматсидаги Есуман
образини олайлик. Есуман
— макорлик, ҳийлагарлик,

Мухбиримиз «Ўзбеккон-
церти» ва Ўзбекистон Дав-
лат эстрадаси бирлаш-
ган дирекциясининг бошли-
ғи А. Назаров билан ҳаф-
таликнинг концерт про-
граммаси ҳусусида суҳбат-
лашди.

— Республика-мизга бепой-
рус диридан илгари ҳам
ижодий коллектив ва профес-
сионал ансамбллар, хушвот
хонанда ва эстрада усталари
кўп марта ташриф буюриш-
ган, — деди А. Назаров. —
Аммо бизда маҳоратини ер
юзининг деярли барча шаҳар-
лари олқишлаган машҳур «Бе-
рёна» ансамбли, СССР халқ
артисти, Ленин мукофоти ла-
уреати Людмила Зикинаю,
Москва ва Ленинграднинг етук
санъаткорларидан тортиб, Ку-
бань ва Сибирь ансамблари-
нинг бир пайтада чиқишлари
бўлмаган эди.

Рус санъати байрами ре-
спубликамизнинг турли шаҳар
ва район марказларидагина
эмас, сановат корхоналари ва
колхоз-совхозларда ҳам кенг
инсонланган. «Оқ олтин»
ижодкорлари, зарбдор комсо-
мол қурилишлари ҳамда рес-
публика индустрияси марказ-
ларида гайрат-шижоат билан
меҳнат қиладиган кишилар би-

лани урғашу ва митинглар бў-
лади. Меҳмонларимиз про-
граммаси билан дастлабки та-
нишувдаёқ унинг ниҳоятда бой
ва ранг-баранг эканига эъти-
бор қилмай илож йўқ.

СССР халқ артисти, СССР
Давлат мукофоти лауреати Н.
Надеждина раҳбарлигидаги
«Берёна» давлат академик хо-
реографик ансамбли Тошкент-
даги Свердлов номида концерт
зали ва марказий «Юбилей»
спорт залида бир неча кун мо-
бейнада ўз маҳоратини на-
мойиш этади. 12 октябрда эса
у Юкори Чирчик районидеги
«Политотдел» колхозиде дала
меҳнаткашлари хузурида кон-
церт беради.

С. М. Киров номидаги Ле-
нинград опера ва балет теа-
трининг балет труппаси кон-
церт программасида алоҳида
номерлар билан қатнашади.
Бундан ташқари ленинградлик
санъаткорлар А. Навойи но-
мида давлат академик катта те-
атрининг «Травята», «Жи-
зель», «Князь Игорь», «Окку-
зель» балетларида етакчи пар-
тияларни ижро этадилар.

СССР халқ артисти, Ленин
мукофотининг лауреати Люд-
мила Зикинанинг мафтукурин,
дилкаш қўшиқлари 12 октябр-

ТЕАТР ВА КОНЦЕРТ ЗАЛЛАРИДА

лан урғашу ва митинглар бў-
лади. Меҳмонларимиз про-
граммаси билан дастлабки та-
нишувдаёқ унинг ниҳоятда бой
ва ранг-баранг эканига эъти-
бор қилмай илож йўқ.

СССР халқ артисти, СССР
Давлат мукофоти лауреати Н.
Надеждина раҳбарлигидаги
«Берёна» давлат академик хо-
реографик ансамбли Тошкент-
даги Свердлов номида концерт
зали ва марказий «Юбилей»
спорт залида бир неча кун мо-
бейнада ўз маҳоратини на-
мойиш этади. 12 октябрда эса
у Юкори Чирчик районидеги
«Политотдел» колхозиде дала
меҳнаткашлари хузурида кон-
церт беради.

С. М. Киров номидаги Ле-
нинград опера ва балет теа-
трининг балет труппаси кон-
церт программасида алоҳида
номерлар билан қатнашади.
Бундан ташқари ленинградлик
санъаткорлар А. Навойи но-
мида давлат академик катта те-
атрининг «Травята», «Жи-
зель», «Князь Игорь», «Окку-
зель» балетларида етакчи пар-
тияларни ижро этадилар.

СССР халқ артисти, Ленин
мукофотининг лауреати Люд-
мила Зикинанинг мафтукурин,
дилкаш қўшиқлари 12 октябр-

да Тошкентдаги тўқимачилар
маданият саройида, эртаси кун
Чирчикдаги «Химик» мада-
ният саройида янграйди. Қар-
шиликлар ҳам унинг ижросида
кадимги рус халқ қўшиқлари
ва совет композиторлари асар-
ларини тинглайдилар. Тошкент-
лик санъат мухлислари кейин-
ги уч кун мобайнида Свердлов
номида концерт залида
унинг ранг-баранг репертуари
билан танишшилари мумкин.

«Росконцерт»нинг камер
хор «Миратор» ва «Воронеж
қизлари» ансамблилар Нукус
ва Урганч, Хўжайли ва Тахта-
тошда концерт берадилар. Ши-
молли рус халқ хори ва эс-
трада усталаридан Иосиф Ко-
бзон билан Нина Татьяна-
вич Фарғона, Андижон ва На-
манганда бўлишди. «Ленкон-
церт» эстрада труппаси, Ку-
бань казаклар хори Самар-
қанд, Бухоро ва Навойида,
Красноярск давлат рақс ан-
самбли «Жиззахда», «Боян» рус
камер оркестри Термизда ўз
санъатларини намоиш этади-
лар. Қисқаси, меҳмонларимиз-
нинг ҳафталик программаси-
даги чиқишлари рус санъати-
нинг ўзига хос намоиши бў-
либ қолади.

Р. ҚОСИМОВ.

ПАХТАЗОР — ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

ҚЎШИМЧА МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

ТЕРМИЗ. «Совет Ўзбеки-
стони» мухбири. Жаркўрғон
районидеги Охунбобова но-
мида колхознинг Боботов мас-
сида янги ўлаштирилган
даштада ташкил этилган Юсуф
Хушнзаров бошлиқ бригада
аъзолари 50 гектар майдондан
пландеги 15 центнер ўрнига
30 центнердан ҳосил бериб,
Сурхон ҳоҳсида биринчи бў-
либ зиммага олинган соци-
алистик мажбуриятини ошириб

бажарган ва яна гектар бошига
10 центнердан «оқ олтин» со-
тиш ҳақида қўшимча мажбури-
ят олган эдилар. Бу мажбурият
ҳам бажарилди. Бригада аза-
матлари ички имкониятларини
хисобга олиб, гектаридан яна
10 центнердан чўл пахта-
си териб топиширғача, ҳосилдор-
лиқни гектар бошига 50 цент-
нерга етказишга аҳд қилди-
лар.

ХАИТ ИБРОХИМОВ.

Бўта районидеги «Ок-
тябрь 40 йиллиги» кол-
хозининг бригада бошли-
ғи, Социалистик Меҳнат
Қаҳрамони.

ОҚ ОЛТИН ХИРМОНИГА

Республикамиз областларида пахта тайёрлашнинг
борини тўғрисида шу йил 9 октябрда бўлган

МАЪЛУМОТ

(Умумий планга нисбатан прогност хисобиди)

Биринчи усту — областлар: иккинчи усту — бир
кунда тайёрланган пахта; учинчи усту — шу жумладан
машинада, тўғрисида усту — мавсум бошидан буён тай-
ёрланган пахта; бешинчи усту — шу жумладан машинада.

Тошкент	1,68	1,98	90,55	103,01
Андижон	1,09	1,52	79,98	78,01
Сурхондарё	1,83	2,35	75,75	83,50
Қашқадарё	2,02	2,45	68,35	59,31
Бухоро	1,54	2,23	68,28	58,66
Наманган	1,40	2,15	67,57	70,10
Жиззах	3,98	4,09	65,45	71,27
Фарғона	1,31	1,72	65,01	34,51
ҚҚ АССР	2,08	2,38	61,24	44,24
Сирдарё	4,01	5,00	58,21	71,75
Самарқанд	4,02	4,55	53,70	44,82
Хоразм	1,62	2,00	51,84	34,29

Республика	бўйча:	2,10	2,72	67,56	63,34
Шу жумладан илгича толали пахта					
Наманган	1,66	—	56,82	—	—
Сурхондарё	2,07	—	52,90	—	—
Қашқадарё	1,62	—	41,82	—	—
Бухоро	1,40	—	33,91	—	—

Республика	бўйча:	1,91	—	48,80	—
Шу жумладан илгича толали пахта					